

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДОТТОВЕВ САЙФУЛЛА ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АХБОРОТ-МЕТОДИК
ТАЪМИНОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПОРТАЛ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Доттоев Сайфулла Хамидуллаевич

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг
портал технологиялари.....3

Доттоев Сайфулла Хамидуллаевич

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг
портал технологиялари.....20

Dottoev Sayfulla Xamidullaevich

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг
портал технологиялари38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....41

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДОТТОВЕВ САЙФУЛЛА ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АХБОРОТ-МЕТОДИК
ТАЪМИНОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПОРТАЛ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped294 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) www.tdpu.uz веб-саҳифаси ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бегимкулов Узоқбой Шоимкулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Бекназарова Саида Сафибуллаевна
техника фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электрон ресурсларни шакллантириш ва такомиллаштириш таълим сифатини оширишнинг муҳим омиллари сифатида таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. АҚШ нинг Stanford University, Massachusetts Institute of Technology, Кореянинг Seoul Cyber University, Англиянинг National Advice on pedagogical technology каби бир неча нуфузли олий таълим муассасалари томонидан рақамли мегапорталларни яратиш муаммоларининг назарий ва амалий ечимлари таклиф этилмоқда. Бу каби порталларнинг яратилиши VR, AR, 3D learning, e-learning platforms, simulations каби замонавий парадигмаларни жорий этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳонда ёш авлодни интеллектуал ривожланишини таъминлашга қаратилган электрон ўқув-методик ресурсларни шакллантириш, таълим сифатини оширувчи механизмларни яратиш, таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда мустақил таълим олиш имконини берувчи матнли контент, аудио, видеоматериаллар, таълим берувчи функцияларини тўлиқ такрорлай олувчи сунъий интеллект элементларини қўллаш, таълим олувчиларнинг исталган жойдан масофавий таълим ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантиришнинг концептуал тамойилларини аниқлаштириш, фанлар бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, фанларнинг ўқув-методик ресурсларини оптимал тақдим этиш имкониятини яратувчи портал таркибий тузилмасини ҳамда унинг дастурий платформасини ишлаб чиқиш, портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотдан таълим жараёнида фойдаланиш методикасини такомиллаштириш, соҳада кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш, фанлар бўйича яратилаётган ахборот таълим ресурслари ҳамда методик таъминотни ягона тизимга солувчи, портал технологияларига асосланган ахборот-методик тизимни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сонли “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, Д.Б.Абдурахимов, М.Арипов, Ш.С.Ахраров, Б.Бегалов, У.Бегимқулов, С.Бекназарова, Ф.Закирова, М.Лутфиллаев, М.А.Махмудов, М.Мамаражабов, Д.Маматов, А.Махмудов, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, С.Турсунов, М.Файзиева, Т.Шоймардонов, С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, У.Юлдашевлар томонидан амалга оширилган.

Шунингдек, И.В.Роберт, Л.И.Анциферов, В.А.Извозчиков, В.В.Лаптев, А.В.Смирнов, Н.А.Сизинцева ва бошқалар томонидан таълимни ахборотлаштириш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг назарий асослари, ахборот-динамик ўргатувчи муҳитни ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантирувчи омил сифатида тадқиқ этилган.

Хорижда Е.А.Edmonds, J.Eklund, J.J.Engler, L.Faria, N.Henze, J.Kay, A.Lippman, G.Magoulas, E.Melis, A.Mitrovic, M.Montero, J.Prentzas, E.Schwarz, M.Sigala, L.Thomson, G.Weber, L.Welling кабиларнинг тадқиқотларида таълим тизимини лойиҳалаштириш учун янги асосий профил хусусиятлари, таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг назарияси ва методик масалалари очиқ берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетидан 2017-2019 йилларда бажарилган ПЗ-20170923121 рақамли "Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш" номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида таълим жараёнларининг портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантиришнинг концептуал тамойилларини аниқлаштириш;

фанлар бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш;

фанларнинг ўқув-методик ресурсларини оптимал тақдим этиш имкониятини яратувчи портал таркибий тузилмасини ҳамда унинг дастурий платформасини ишлаб чиқиш;

портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотдан таълим жараёнида фойдаланиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти — олий таълим муассасаларида таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологияларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети — олий таълим муассасаларида таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологияларини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, соҳага доир илмий адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, сўровнома), педагогик эксперимент, мониторинг, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш каби тадқиқот ва таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

портал технологияларига асосланган рақамли университет модели тизимлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, узлуксиз ривожланиш, модуллик, ишончлилик, қулайлик, хавфсизлик, мобиллик, автоматлаштириш, компьютер кўмаги, бир марталик маълумотлар тамойилларини интегратив мазмуни ва мақсад, тактика, ёндашув, параметр каби педагогик тизими компонентларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг кредит-модуль тизими ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, методик ва техник талаблари *hard skills, soft skills* кўникмалари репродуктив-методик, продуктив-методик, тадқиқот-методик фаолиятни ўзлаштириш даражалари таксономиясини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотни тизимли амалга ошириш ҳамда кредит-модуль тизимига мослашган ўқув-илмий ресурсларни тизимли, фаолиятли ва компетентли ёндашувлар асосида педагогик жараён элементларини қамраб олган касбий-дастурий воситаларини ўзида мужассам этган электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш орқали симулятор, виртуал борлиқ ва мобиль технологияларга асосан оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи портал таркибий тузилмаси ҳамда унинг дастурий платформаси онлайн таълим олиш талабларига мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

портал технологиялари воситасида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш методикаси таълим олиш имконини тақдим этувчи ва таълим жараёни субъектлари фаолиятларини интеграцияловчи “Blended learning” технологиясининг “Online Lab” моделларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини портал технологияларига асосланган шакллари жорий этишда ўқув жараёнини оптималлаштиришга ва интенсивлаштиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотнинг таркибий тузилмаси ҳамда унинг дастурий платформаси ишлаб чиқилган;

фаннинг ахборот-методик ресурсларини оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи фан намунавий порталининг мобиль иловаси мазмуни ва дастурий таъминоти яратилган;

портал технологиялари асосида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида порталлардан фойдаланишнинг “Blended learning” технологиясига асосланган методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратишнинг тизимлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, узлуксиз ривожланиш, модуллилилик, ишончилилик, қулайлик, хавфсизлик, мобиллик, автоматлаштириш, компьютер кўмаги, бир марталик маълумотлар ва янги вазифалар каби тамойиллари ҳамда ўқув илмий ресурсларни яратишнинг педагогик-психологик, дидактик, дизайн ва техник талабларидан портал технологиялари асосида таълим жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини ҳамда таълим жараёнларини ахборот-методик таъминотларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, узлуксиз таълим жараёнларини ягона ахборот-методик таъминотини амалга оширишга хизмат қилувчи интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни тақдим этиш ҳамда талабаларни ўзлаштириш жараёни мониторингини ҳамда педагогик амалиётини олиб боришни автоматлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологиялари юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик таклифлар ва яратилган ахборот-методик таъминот асосида:

портал технологияларига асосланган рақамли университет моделини ишлаб чиқишнинг тизимлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, узлуксиз ривожланиш, модуллилилик, ишончилилик, қулайлик, хавфсизлик, мобиллик, автоматлаштириш, компьютер кўмаги, бир марталик маълумотлар тамойилларига доир таклифларидан ЁА-5-5 рақамли “Ўқув жараёнига мосланувчи WEB тизимини яратиш” (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 майдаги 89-03-1628-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим

муассасаларида таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини яратиш ва таълим сифатини ошириш имконияти яратилган;

ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг кредит-модуль тизими ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, методик ва техник талабларига оид таклифлари асосида “Web технологиялари” номли ўқув қўлланма яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 82-сон буйруғи билан берилган 82-057-сон гувоҳнома). Натижада, таълим жараёнларининг портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминоти ва миллий ўқув-илмий ресурсларни ишлаб чиқиш сифати оширилган;

таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотни тизимли амалга ошириш ҳамда кредит-модуль тизимига мослашган ўқув-илмий ресурсларни симулятор, виртуал борлиқ ва мобиль технологияларга асосан оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи портал таркибий тузилмаси ҳамда унинг дастурий платформасини яратишга оид таклифларидан ЁА-5-5 рақамли “Ўқув жараёнига мосланувчи WEB тизимини яратиш” (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 майдаги 89-03-1628-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув жараёнининг мониторингини олиб бориш автоматлаштирилган ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг ягона ёндашув асосида ташкил этиш имконияти яратилган;

портал технологиялари воситасида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш методикасини “Blended learning” технологиясининг “Online Lab” моделларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлари “Web технологиялари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 82-сон буйруғи билан берилган 82-057-сон гувоҳнома). Натижада, таълим тизимида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг ўқув жараёнларини ташкил этишга доир компетенциялари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та хориж ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни **“Ахборот-методик таъминотни портал технологиялари асосида амалга оширишнинг педагогик омиллари”** деб номланган биринчи бобида таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини яратиш бўйича олиб борилган ишлар таҳлили, ахборот-методик таъминотнинг мазмуни, имкониятлари ҳамда таркиби, шунингдек, портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантириш тамойиллари, фан бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган талаблар ёритилган.

Тадқиқот давомида, мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, С.Бекназарова, Ф.Закирова, М.Лутфиллаев, М.А.Махмудов, М.Мамаражабов, Д.Маматов, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, С.Турсунов, М.Файзиева, Т.Шоймардонов, У.Юлдашевларнинг ўқув жараёнига ахборот технологияларни қўллаш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, олий таълимни электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда бошқариш, таълим жараёнининг ягона ахборот таълим муҳитини яратиш, электрон ўқув ресурсларини яратиш ва уларга қўйиладиган талаблари ишлаб чиқиш, ахборот технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш бўйича тадқиқотлари таҳлил этилди.

Таълим жараёнининг ривожланишига сабаб бўлаётган асосий жиҳатлардан бири - бу таълим жараёнларини ахборотлаштириш ҳисобланади. Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнининг барча иштирокчиларига янги имкониятларни тақдим этмоқда. Бу албатта, таълим муассасасининг имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнларининг ахборот ва методик таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ.

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминоти деганда, ўз навбатида, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот-статистик, ўқув-ташкилий каби материалларни қамраб олган ахборот таъминоти, шунингдек, илмий-педагогик, ўқув-методик каби маълумотларни қамраб олувчи ўқув-методик таъминоти тушунилади. Таълим жараёнининг барча субъектлари талабалар, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходим ва раҳбар кадрлари учун ягона ахборот муҳитини яратиш, таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини яратиш ҳисобланади.

Таълим жараёнларининг ахборот таъминоти олий таълим муассасасини ягона ахборот муҳитини босқичма-босқич шакллантиришга йўналтирилиб,

таълим ва тарбиявий, илмий, бошқарув ва бошқа жараёнларда ахборот алмашиш интенсивлигини ошириш, автоматлаштириш имконини беради.

Диссертацияда таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминоти: ахборотни тезкор алмашиш ва масофадан туриб бошқариш; электрон ҳужжат алмашинуви ва ҳужжатларни сақлаш; ташқи фойдаланувчилар ва ҳамкор ташкилотлар учун ОТМ ахборот ресурсларини тақдим этиш; ОТМ нинг барча ўқитувчилари, ходимлари ва талабалар учун Интернет ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш; масофадан туриб ўқув-методик ресурсларни ягона муҳитда киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги; турли электрон таълим ресурслари (электрон материаллар, тақдимотлар, аудио ва видеодарслар)дан масофадан фойдаланиш; масофавий таълим тизимини йўлга қўйиш; турли соҳадаги талабаларни тайёргарлик ва ўзлаштириш даражасини назорат қилиш; турли статистик сўровларга аниқ, тез ва сифатли жавоб олиш каби имкониятларни бериши кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча, тасаввурлар ва ахборотлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланишини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида чегараларни бузиб, интеграция жараёнини жадаллаштиришни талаб этади. Таълим йўналишлари «бошидан кечираётган» бундай дифференциялашиш ва интеграция жараёнларининг ўқитишда ўз аксини етарли даражада топа олмаётгани ҳам бугунги олий таълим тизимида маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотларнинг унда акс этиши орасида узилиш вужудга келмоқда. Бундай муаммоларни бартараф этишда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини, хусусан портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни жорий этиш ва уни яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Изланишлар натижасида, портал технологияларига асосланган замонавий ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантиришнинг мавжуд концептуал тамойиллари аниқланди ҳамда қўшимча тамойиллар билан такомиллаштирилди (1-расм).

Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни ривожлантиришнинг таҳлилий, ахборот, ташкилий-услубий, маслаҳат, таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим тизимини ривожлантириш учун илмий ёрдам кўрсатиш каби фаолият турлари ишлаб чиқилган.

Замонавий ахборот-методик таъминот ўқув-илмий ресурсларнинг турли шакллари (электрон, қоғоз ва ҳ.к.) мажмуи бўлиб, улар ҳар бир фаннинг касбий таълим дастурларига мос келувчи, аудитория дарсларининг барча турлари ва мустақил таълимни ташкил этиш бўйича ўқув-методик материалларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Тадқиқот давомида, фан бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, методик ҳамда техник талаблар ишлаб чиқилди.

Диссертацияни “Таълим жараёнларини ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологиялари” деб номланган иккинчи бобида замонавий ахборот-методик таъминотни ўзида мужассамлаштирган портал дастурий платформасини педагогик лойиҳалаштириш, портал технологиялари асосида ўқув-илмий ресурсларни тақдим этишнинг шакл ва воситалари ҳамда узлуксиз таълим жараёнларини ягона ахборот-методик таъминотини амалга оширувчи портал таркиби ва мазмуни ёритилди.



1-расм. Портал технологияларига асосланган замонавий ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантириш тамойиллари

Замонавий ахборот-методик таъминотни яратишни тизимли амалга ошириш ҳамда фан бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи портал таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм) ҳамда дастурий платформани лойиҳалаштиришнинг босқичлари (лойиҳа раҳбари, методист, дизайнер, дастурчи, педагог вазибалари) ёритилди.

Портал технологияларига асосланган замонавий ахборот-методик таъминотнинг дастурий платформаси: таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш; ўқув фаолиятини ўзи назорат

қилиши ва тўғри йўналтириши; компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш; ўқув материалларини визуаллаштириш; ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш ва имитациялаштириш; ўқувчиларни ўз-ўзларини назорат этишлари; ҳар хил ҳолатларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш; фикрлашнинг аниқ бир шакли (кўргазмали-образли, назарий)ни ривожлантириш; ўқиш мотивларини ошириш; билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни яратади.



2-расм. Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминот таркибий тузилмаси

Портал технологияларига асосланган методик таъминотининг педагогик-психологик вазифаси ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, талабалар ва ўқитувчилар орасидаги дидактик мулоқотни ташкил этиш ва ўқув материални ўқитиш воситалари орқали тарқатишдан иборат. Тадқиқот натижасида, портал технологиялари асосида ўқув-илмий ресурсларини яратишнинг педагогик-психологик, дидактик, методик ва техник талаблари *hard skills*, *soft skills* кўникмалари репродуктив-методик, продуктив-методик, тадқиқот-методик фаолиятни ўзлаштириш даражалари таксономиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўқув-илмий

ресурсларини тақдим этишнинг шакли сифатида меъёрий хужжатлар, асосий мазмунни белгиловчи, дидактик, методик, баҳолаш ва кўшимча компоненталари аниқланган ҳамда воситаси сифатида электрон ўқув дарсликлари (AutoPlay, Articulate), электрон тақдимотлар (Power point, Prezi, Focusky); компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар (iSpring, Potato, MyTestX ва б.); аудио ўқув-ахборот материаллари; видео ўқув-ахборот материаллари (Camtasia Studio, Ocam, BandiCam ва б.); виртуал лаборатория ишлари (Phet, Yenka иловалари); тренажёрлар(Flash ва б.); маълумотлар ва билимлар базаси; электрон кутубхоналар белгиланган.

Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштирди. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Таълимда ягона ахборот-методик таъминотнинг қўлланилиши фан соҳаларини ахборотлаштиришга, ўқув фаолиятини интеллектуаллаштиришга, интеграция жараёнларини тезлаштиришга, таълим тизими инфраструктураси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Узлуксиз таълим жараёнларини ягона ахборот-методик таъминотини амалга оширувчи портал таркиби хусусан, профессор-ўқитувчиларни ўқув юктамалари бажарилиши ва очиқ дарслар ўтказилишини назорат қилувчи шунингдек, талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ва педагогик амалиётни мониторингини олиб боровчи “Электрон деканат” тизими; ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ва тарбиявий фаолиятларини педагог ходимлар фаолиятини баҳолаш тизими; меъёрий хужжатлар, дидактик, методик ҳамда ўқув-методик компонентларни ўзида жамлаган ўқув-илмий ресурслар тизими; электрон таълимни амалга оширувчи масофадан туриб юклаб олиш мумкин бўлган электрон дарсликлар тизими; барча фанлар бўйича ўқув материалларни ўзида жамлаган электрон кутубхона базаси ишлаб чиқилган ва уларнинг мазмуни ёритилган. Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотнинг бугунги кунда фойдаланувчилар учун қулайлигини ошириш ҳамда имкониятини кенгайтириш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали кириш мумкин бўлган мобил иловаси (@tdpubot) яратилди.

Диссертациянинг **“Портал технологиялари асосида фаннинг ягона ахборот-методик таъминотини амалга ошириш ва ундан фойдаланиш методикаси”** деб номланган учинчи бобда портал технологиялари асосий фаннинг ягона ахборот-методик таъминотидан фойдаланиш методикаси ёритилди ва унинг самарадорлиги даражасини аниқлаш учун педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ҳамда бу босқичларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш эса ҳар жиҳатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиши ва дарс беришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг чуқур билим олишига ёрдам берувчи ўқув услубларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим

жараёнининг портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминоти талабаларга чуқур билим олиш имконини берувчи восита сифатида қўлланилиши мумкин. Албатта, бу таъминотни ривожлантириш уни мунтазам равишда ўқув-илмий ресурслар билан тўлдириб бориш педагогга юклатилади.

Ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан ўқув фанларининг ўқув-илмий ресурслари киритилади. Бунинг учун профессор-ўқитувчи ўз электрон шахсий иш режасига логин ва пароли билан киради. Менинг фанларим блокига ўтиб, ўқув-илмий ресурслар киритилиши лозим бўлган фанни танлайди ва ўқув-методик ресурслар бўлимига ўтилади.

Фаннинг ўқув-методик ресурслар блокининг “Фаннинг ўқув дастури” қисмида фан бўйича ишлаб чиқилган ўқув ва ишчи фан дастурлари киритилади; “Ўқув-методик материаллар” қисмида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулоти материаллари, фан бўйича хорижий адабиётлар ва ҳар бир мавзу бўйича тақдимот киритилади; “Бошқа материаллар” қисмида жорий, оралик ва якуний назоратлар бўйича топшириқлар, таянч иборалар, ўқув адабиётлари, глоссарий, курс ишлари мавзулари, синфдан ташқари ишлар учун, мустақил таълим учун, мавзунини ўзлаштириш учун ва бошқа материаллар киритилади.

Ҳар бир фан бўйича 36068 та ўқув-илмий ресурслар киритилган бўлиб, улар фан дастури, ишчи фан дастури, маъруза машғулоти материаллари, амалий машғулоти материаллари, семинар машғулоти материаллари, лаборатория машғулоти материаллари, ҳар бир мавзу бўйича тақдимотлар, жорий назорат бўйича топшириқ, оралик назорат бўйича топшириқ, якуний назорат бўйича топшириқ, таянч иборалар, ўқув адабиётлари, глоссарийлар, курс ишлари мавзулари, синфдан ташқари ишлар, мустақил таълим, мавзунини ўзлаштириш учун қўшимча ва бошқа материаллар, фан бўйича хорижий адабиётлардан иборат.

Ҳар бир машғулоти, ўқитувчининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган, талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан, маълум бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган, ижобий натижа беришга қафолатланган ижодий асар бўлиши керак. Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминот асосида ўқитишни ташкил этиш учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг ишчи дастури ва барча машғулоти шакллари (назарий, амалий ва лаборатория) материаллари киритилган. Бу соҳадаги ишлар ҳозирги пайтда долзарб бўлиб турган онлайн таълимнинг ўқув-методик таъминотига замин яратади.

Тадқиқот жараёнида портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотдан фойдаланиб маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш учун Аралаш таълим (Blended learning) технологияси танлаб олинди ҳамда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориш методикаси ишлаб чиқилди.

Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари базаси сифатида Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали,

Бухоро давлат тиббиёт институтлари танланди. Тажриба-синов ишлари 2011-2020 йиллар мобайнида уч босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич – тайёргарлик босқичи (2011–2013 йй.). Тадқиқот муаммосининг илмий-назарий, илмий–услубий асослари ўрганилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди; тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар назарий манбалардан таҳлил қилиниб ўрганилди; портал, портал технологиялари тушунчалари аниқланди; портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари ўрганилди; ахборот-методик таъминот ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида қўллаш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан аниқланди, ишчи фаразлар шакллантирилди.

Иккинчи босқич – амалга ошириш босқичи (2014–2017 йй.). Тадқиқотнинг ишчи фаразлари, мақсад ва вазифалари амалга оширилди. Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратишнинг концептуал тамойиллари ишлаб чиқилди. Ахборот-методик таъминот таркиби, мазмуни ва дастурий таъминоти яратилди. Ўқув-илмий ресурсларини яратишнинг талаблари ҳамда тақдим этишнинг шакллари аниқланди. Шунингдек, ахборот-методик таъминотдан ўқув жараёнида фойдаланишнинг Blended learning технологиясига асосланган методикаси “Таълимда ахборот технологиялари” фани мисолида ишлаб чиқилди. Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, ишлаб чиқилган тамойилларнинг тадбиқини методик асослаш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Учинчи босқич – якуний босқич (2018–2020 йй.). “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотдан фойдаланиш ва у ёрдамида дарс самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган Аралаш таълим (Blended learning) технологиясига асосланган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминот асосида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди, олинган натижалар математик-статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди.

Асосий тажриба тадқиқотчи иштирокида портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотда “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш асосида олиб борилди. Бундан мақсад изланиш бўйича тажриба-синов натижаларини ўрганиш ва уларни амалий жиҳатдан тасдиқлаш эди.

Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминот ёрдамида, назорат гуруҳларида эса анъанавий методика билан олиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳида ўтказилган натижалар 100 баллик рейтинг тизимида баҳоланди. Тажрибада жами 187 нафар талабалар, жумладан, назорат гуруҳи (НГ) учун 93 нафар, тажриба гуруҳи (ТГ) учун 94 нафар талабалар жалб қилинди. Тажриба ва


назорат гуруҳларида иштирок этган таълим муассасалари талабалар сони 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Педагогик тажриба-синов ўтказилган вақтда тажриба ва назорат гуруҳларининг иштироки ва ўзлаштириш даражалари

Тажриба-синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражаси			
			аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
Тажриба бошида	тажриба	94	9	29	50	6
	назорат	93	9	28	50	6
Тажриба охирида	тажриба	94	26	49	19	0
	назорат	93	11	36	41	5

Педагогик тажриба-синовнинг илк босқичида тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг билим даражалари бир хил даражада шаклланганлиги аниқланди. Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил қилишда Стъудент математик–статистика усули қўлланилди. Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш 4,08, назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш 3,55 га тенглиги аниқланди. Тажриба гуруҳидаги кўрсаткич назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан $4,08/3,55 = 1,15$ баробар ортиқлигини англатди. Олинган натижа кўрсаткичлари (миқдор ва сифат) бўйича тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканидан далолат. Олиб борилган тажриба-синов натижалари қуйидаги диаграммада келтирилган(3-расм).



Тажриба – синовгача бўлган давр

Тажриба – синовдан кейинги давр

3-расм. Тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграмма кўриниши

Тажриба шуни кўрсатдики, портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни таълим жараёнида қўллаш талабаларнинг

ижодий қобилияти ва ижодий фикрлашини ўстирди, билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлади, талабаларда фанга бўлган қизиқишини оширди. Шундай қилиб, ташкил қилинган педагогик тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили натижасида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш 15 % га самарали эканлиги аниқланди.

Мазкур натижалар портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни таълим жараёнида қўллаш ёрдамида ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқот фаразини тўлиқ тасдиқлади.

ХУЛОСА

“Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологиялари” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Портал технологияларига асосланган ахборот-методик таъминотни яратиш ва ривожлантиришнинг мақсадга йўналтирилганлик, интеграция, тўлақонлилик, яхлитлик, кўрғазмалилик, очиқлик, мослашувчанлик, узлуксиз ривожланиш, модуллик, ишончлик, қулайлик, хавфсизлик, эркин бошқарув, мобиллик, стандартлашув ва бирлашув тамойиллари ҳамда таҳлилий, ахборот, ташкилий-услубий, маслаҳат, таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим тизимини ривожлантириш учун илмий ёрдам кўрсатиш каби фаолият турлари олий таълим муассасаларининг ягона ахборот таълим муҳитини яратиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириши аниқланди.

2. Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотни тизимли амалга ошириш ҳамда фан бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи портал таркибий тузилмаси ҳамда унинг дастурий платформаси олий таълим муассасасини ягона ахборот муҳитини босқичма-босқич шакллантиришга йўналтирилиб, таълим ва тарбиявий, илмий, бошқарув ва бошқа жараёнларда ахборот алмашиш интенсивлигини ошириш, автоматлаштириш имконини бериши аниқланди.

3. Портал технологиялари асосида ўқув-илмий ресурсларини тақдим этишнинг шакли сифатида меъёрий хужжатлар, асосий мазмунни белгиловчи, дидактик, методик, баҳолаш ва қўшимча компоненталари аниқланган ҳамда воситаси сифатида электрон ўқув дарсликлари, электрон тақдимотлар, компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар, аудио ўқув-ахборот материаллари; видео ўқув-ахборот материаллари, виртуал лаборатория ишлари, тренажёрлар, маълумотлар ва билимлар базаси, электрон кутубхоналардан фойдаланилади.

4. Портал технологиялари асосида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида “Таълимда ахборот технологиялари” фани мисолида порталлардан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилди.

5. Тажриба-синов ишларини ўтказиш дастури асосида танланган объектларда “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув машғулотлари олиб борилди ҳамда ўқув-илмий ресурсларни оптимал тақдим этиш имкониятини берувчи фан намунавий порталидан фойдаланиш компетентлигини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилди.

6. Келажакда таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий ғоялар ва услубий тавсиялар асосида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари натижаларини қайта ишлашнинг математик-статистик усуллари ёрдамида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг мақсадга мувофиқлиги оқланди, шунингдек, тажриба гуруҳ талабаларида ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш бўйича кўникмалари назорат гуруҳи талабаларида 15% гача бўлган ваколатлардан юқори эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДОТТОВЕВ САЙФУЛЛА ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

**ПОРТАЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ
ИНФОРМАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/Ped294.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на Web-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и информационно-образовательном портале «ZIYONET» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель: **Бегимкулов Узоқбой Шоимкулович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
доктор педагогических наук, профессор

Бекназарова Саида Сафибуллаевна
доктор технических наук (DSc), профессор

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» ____ 2021 года в __ часов на заседании Специализированного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86;
e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Б.Абдуллаева
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.пед.н., профессор

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, к.пед.н., доцент

Н.А.Муслимов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора
наук, д.пед.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире вопросы формирования и совершенствования электронных ресурсов введены в учебный процесс как факторы повышения качества образования. Ряд таких ведущих высших образовательных учреждений как Stanford University, Massachusetts Institute of Technology (США), Seoul Cyber University (Корея), National Advice on pedagogical technology (Англия) предлагают теоретические и практические решения проблем разработки цифровых мегапорталов. Создание такого рода порталов служит расширению возможностей внедрения современных парадигм, таких как VR, AR, 3D learning, e-learning платформы, симуляции.

В мире ведутся научные исследования по внедрению современных информационно-коммуникационных технологий в сферу образования, разработке механизмов повышения, формированию электронных учебно-методических ресурсов, направленных на обеспечение интеллектуального развития молодого поколения. В настоящее время уделяется особое внимание научным исследованиям по применению элементов искусственного интеллекта, полностью воспроизводящих обучающие функции, текстовых, аудио-, видеоматериалов для самостоятельного образования, расширению возможностей доступа учащихся к дистанционным образовательным ресурсам.

В последние годы в нашей стране разрабатываются нормативные документы по внедрению цифровых технологий в систему образования. Работа проводится с целью уточнения концептуальных принципов создания и развития информационно-методического обеспечения на основе порталных технологий, повышения требований к созданию интегрированных образовательных и научных ресурсов по дисциплинам, разработки структурной структуры Портала и его программной платформы, совершенствования методологии использования информационно-методического обеспечения на основе порталных технологий, возможности для разработки информационно-методической системы на основе порталных технологий, интегрирующей образовательные ресурсы и методическое обеспечение информации, созданной по дисциплинам, в единую систему.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации требований задач, обозначенных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-4851 от 6 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией», Указами Президента Республики Узбекистан от №УП-5349 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №УП-3079 от 5 октября 2020 года «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан 2030» и мерах по её

эффективной реализации», а также данная диссертация в определенной степени служит для выполнения задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование диссертации осуществлено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики ПНИ-1 «Формирование и реализация системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В нашей республике исследования по внедрению в систему образования современных информационно-коммуникационных технологий проводились рядом отечественных ученых, таких как А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, Д.Б.Абдурахимов, М.Арипов, Ш.С.Ахраров, Б.Бегалов, У.Бегимқулов, С.Бекназарова, Ф.Закирова, М.Лутфиллаев, М.А.Махмудов, М.Мамаражабов, Д.Маматов, А.Махмудов, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, С.Турсунов, М.Файзиева, Л.Н.Шибаршова, Т.Шоймардонов, С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, У.Юлдашев.

Ученые стран СНГ, такие как И.В.Роберт, Л.И.Анциферов, В.А.Извозчиков, В.В.Лаптев, А.В.Смирнов, Н.А.Сизинцева и другие, рассматривали вопросы разработки средств информатизации образования и теоретические основы их использования, изучения информационно-динамической обучающей среды как фактора развития информационной культуры преподавателя.

В исследованиях зарубежных ученых E.A.Edmonds, J.Eklund, J.J.Engler, L.Faria, N.Henze, J.Kay, A.Lippman, G.Magoulas, E.Melis, A.Mitrovic, M.Montero, J.Prentzas, E.Schwarz, M.Sigala, L.Thomson, G.Weber, L.Welling раскрываются особенности нового основного профиля для проектирования системы образования, теоретические и методические вопросы использования компьютерных технологий в обучении.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование было проведено в Ташкентском Государственном Педагогическом Университете в 2017-2019 было выполнено за номером ПЗ-20170923121 в рамках программы "Развитие педагогической деятельности на основе сотрудничества в образовательных учреждениях".

Целью исследования является разработка рекомендаций по совершенствованию реализации информационно-методического обеспечения образовательных процессов в высших учебных заведениях на основе порталных технологий.

Задачи исследования:

выявление концептуальных принципов создания и развития информационно-методического обеспечения на основе порталных технологий;

усовершенствование требований к созданию интегрированных учебно-научных ресурсов по дисциплинам;

разработка структуры и программной платформы портала, предоставляющего возможности оптимального представления учебно-методических ресурсов по предмету;

усовершенствование методики использования информационно-методического обеспечения в образовательном процессе на основе порталных технологий.

Объектом исследования является процесс осуществления информационно-методического обеспечения в высших образовательных учреждениях на основе порталных технологий.

Предмет исследования – содержание, формы и методы разработки информационно-методического обеспечения дисциплины на основе порталных технологий в высших образовательных учреждениях.

